

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Илмий кенгаши тўғрисида Низом

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й. 9-сон, 225-модда) ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й. 11-12-сон, 295-модда) қонунларига ҳамда “Олий таълим тўғрисида”ги Низомга; шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2011 йил 3 декабрь 487-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасасининг Илмий кенгаши тўғрисида”ги намунавий Низомга мувофиқ университет Илмий кенгаши фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Университетнинг фаолиятига тегишли асосий масалаларни кўриб чиқиш учун ректор раислигида университет Илмий кенгаши ташкил этилади.

2. Илмий кенгаш таркиби ректор, проректорлар, ректор маслаҳатчиси, илмий котиб, факультет деканлари, магистратура бўлими бошлиғи, халқаро алоқалар бўлими бошлиғи, ўқув-услугий бўлим бошлиғи, ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи, кадрлар бўлими бошлиғи, университет таркибига кирувчи лицей директори, кафедра мудирлари, шунингдек, юқори ташкилот (ТИБ) вакиллари, университет касаба уюшмаси раиси ва бошқа жамоат ташкилотлари раҳбарларидан ташкил этилади. Илмий кенгашнинг бошқа аъзолари факультетларнинг умумий мажлисларида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар. Профессор-ўқитувчилар таркибидан Илмий кенгашга сайланувчи аъзоларнинг сони ректорнинг буйруғи билан белгиланади. Илмий кенгаш таркибига университетнинг муайян йўналиш муаммолари бўйича ишлаётган йирик олим ва мутахассислари ҳам киритилиши мумкин. Илмий кенгашнинг ваколат муддати – 5 йил.

3. Илмий кенгаш таркиби университет ректорининг буйруғи билан тасдиқланади. Турли сабабларга кўра Илмий кенгаш таркибидан чиққанлар ўрнига янги аъзолар сайланади ёки низом бўйича ректорнинг буйруғи билан киритилади.

II. Илмий кенгашнинг мақсад ва вазифалари

4. Илмий кенгашнинг мақсади – университет жамоаси сайъ-ҳаракатлари, интеллектуал салоҳияти ва бошқа барча имкониятларни Ўзбекистон

Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш, олий таълимнинг давлат таълим стандарти талаблари даражасида мукамал билим, малака, кўникмаларга эга бўлган профессионал мутахассислар тайёрлашга йўналтиришдан иборат.

5. Университетнинг Илмий кенгаши:

- Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларининг қатъий бажарилишини ўрганиб чиқади ҳамда устувор масалалар бўйича тавсия ва топшириқлар белгилайди;

- факультетларнинг ўқув, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий ишлари тўғрисидаги, академик лицейлар, университет қошидаги илмий жамиятларнинг фаолияти тўғрисидаги, қабул комиссиясининг қабул натижалари тўғрисидаги, шунингдек, маркетинг хизматининг халқ хўжалигининг битирувчи мутахассисларга бўлган эҳтиёжи, буюртмачи ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади ҳамда тегишли қарор қабул қилади;

- илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ишлар режалари ижроси, профессор-ўқитувчилар таркибининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш масалаларини муҳокама қилади ҳамда тегишли қарорларни қабул қилади;

- Университетда факультет ва кафедралар очиш, ёпиш ва бошқа таркибий тузилмаларни ўзгартириш билан боғлиқ масалалар бўйича қарорлар қабул қилади;

- “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тўғрисида”ги Низом(2006 йил 10 февраль)га мувофиқ профессор-ўқитувчилар лавозимларини эгаллашлари учун танловлар ўтказиши;

- Кафедраларнинг умумий ҳисоботларини кенгайтирилган Илмий кенгашда кўриб чиқиш, ҳисобот қониқарсиз деб топилса ёки кафедра мудирини, кафедранинг профессори, доцент, ўқитувчи ва ходимларнинг малакалари етарли эмас деб топилса, у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилади;

- профессор, доцент илмий унвонларини олишга талабгорларнинг ҳужжатларини кўриб чиқади ва илмий унвонни тасдиқлаш учун Олий Аттестация комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этади;

- докторантурага номзодларни тавсия этади;

- докторлик диссертацияларини яқунлаш ва ҳимоя қилиш учун, шунингдек, дарслик ва монографияларни ниҳоясига етказиш учун ижодий таътиллари бериш ҳақидаги қарорларни қабул қилади;

- монография ва бошқа илмий адабиётлар тайёрлаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади;

- фахрий унвонларни бериш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади ва тавсия этади;

- университетнинг жорий - йиллик ва истиқболли режаларини тасдиқлайди ҳамда молиявий хўжалик фаолияти натижаларини эшитади ва тегишли қарорлар қабул қилади;

- маркетинг хизматининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларини очиш тўғрисида таклифлар қабул қилади;

- дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва ўқув-услугий қўлланмаларни тайёрлаш ва нашр этиш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг грифини олишга оид масалаларни кўриб чиқади;

- иқтидорли талабалар сафидан ва профессор-ўқитувчилар таркибидан номзодларни "Истеъдод" жамғармалари орқали хорижий олий таълим муассасаларида стажировка ўтишга тавсия этади;

- университет иқтидорли талабалари ва стажер-тадқиқотчи-изланувчилари сафидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси ва номли давлат стипендиялар танловида иштирок этадиган номзодларни тавсия этади;

- "Соғлом авлод учун" жамғармаси билан ҳамкорликда талабаларнинг жисмоний тарбияси ва уларнинг соғлиқларини янада яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқади;

- асосий буюртмачи ташкилот, корхона ва муассасалар билан корпоратив ҳамкорликни ривожлантириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ҳамда талабаларнинг малакавий амалиёти самарадорлигини ошириш масалаларини муҳокама қилади ва уларни яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

- хорижий мамлакатларнинг олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича қарорлар қабул қилади;

- таълим хизматлари билан шуғулланувчи кичик корхоналар, фирма ва курслар фаолияти ҳақида раҳбарларнинг ҳисоботларини эшитади ҳамда тегишли қарорлар қабул қилади;

- университет талабалари ва ходимларининг техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини такомиллаштириш бўйича тадбирларни белгилайди.

III. Илмий кенгаш фаолиятини ташкил этиш

6. Илмий кенгаш ўз фаолиятини ҳар ўқув йили учун ишлаб чиқиладиган режага мувофиқ амалга оширади. Илмий кенгаш режаси Илмий кенгаш томонидан кўриб чиқилгандан сўнг университет ректори томонидан тасдиқланади.

7. Университетнинг ўқув, илмий-услугий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва ташкилий ишларга доир барча масалалар бўйича Илмий кенгаш қарорлари **очиқ овоз** бериш тартибида кўпчиликнинг овози билан қабул қилинади. Илмий кенгаш мажлиси унинг таркибидаги аъзоларнинг 2/3 қисми иштирок этгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

Профессор-ўқитувчилар таркиби лавозимларини эгаллаш ҳамда профессор ёки доцент илмий унвонларини бериш бўйича ўтказиладиган танловлар ва тақдимномалар юзасидан қарорлар **ёпиқ овоз** бериш йўли билан белгиланган тартибда қабул қилинади.

8. Илмий кенгаш қарорлари университет ректори томонидан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

9. Илмий кенгаш мажлиси баённома билан расмийлаштирилади. Баённомалар Илмий кенгаш раиси ва илмий кенгаш котиби томонидан имзоланади. Ректор Илмий кенгашга раислик қилади. Агар ректор хизмат сафарига бўлса ёки ректор ўрни вакант бўлган вақтда ёхуд ректор бетоб бўлиб қолган тақдирда Илмий кенгашга университетнинг Маънавият ва ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректори ёки ўқув ишлари бўйича проректори раислик қилиши мумкин.

10. Илмий кенгаш раиси мунтазам равишда Илмий кенгаш қарорларининг бажарилиши бўйича текширувлар ташкил этади ва қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ҳақида Илмий кенгаш аъзоларига ахборотлар бериб боради.